

## Ҳашардаги ҳаяжон

Саранжом саришталикка нима етсин. Тозалик чор атрофга ҳам, инсон қалбига гўзаллик бахш этади. Буни биргаликда амалга оширилиши ҳам гўзал ҳаракат. Одатда, буни биргаликдаги кўмак, ўзаро ёрдам, бошқача айтганда, ҳашар элга ярашар деймиз. Институт ёшлар иттифоқи фаоллари Тошкент шаҳар Шайхонтохур туманида жойлашган Сузукота зиёратгоҳи масъуллари таклифига биноан ҳашар ўтказиш учун ташриф буюришди. Ҳашарга ёшлар иттифоқи фаоли 2 - босқич магистри Ҳазратқулов Ислон ва факультет ёшлар етакчилари бошчилик қилишди. Белгиланган ҳудудлар ободонлаштирилди ва тозаланди. Зиёратгоҳ маъмурияти институт раҳбарияти ва талабаларга миннатдорчилик билдиришди.



**Ёшлар иттифоқи институт бошланғич ташкилоти маълумоти**

**Институт матбуот котиби Раҳимбой Жуманиёзов**